

Саҳобаларга эргашайлик!

Image not found or type unknown



11:00 / 03.07.2022 3374

Шайх Шаъровий раҳимаҳуллоҳдан Ислом динини истехзо қилувчилардан бирининг мактубини ўқиган ёки ўқимаганлари ҳақида сўрашганда, шайх Шаъровий раҳимаҳуллоҳ «Ўқимадим ва ўқимайман ҳам!» дедилар. Одамлар у кишига «Қандай қилиб ўқимайсиз, ахир бу борада гаплар кўпайиб кетди-ку!» дейишганда, шайх Шаъровий раҳимаҳуллоҳ уларга Аллоҳ таолонинг мана бу оятини ўқиб берадилар:

اَوْبُ رَفُكَيْهِ لَلْاِتِّاَيَا مُتَعَمَّسًا اِذَا نَبَاتِ الْاِي فِ مَكِّي لَعَلَّ زَن دَقْو
اِذَا مَكَّنْ اَوْ رِيغِ ثِي دَحِ يِ اَوْضُوْحِي اِيَّتَحْ مُمَّعَم اَوْ دُعُوْتِ الْاِي اَوْبُ اَزَّةِ تُسُّيْ و
اَعِي مَحَّ مَنَّهَجِ يِ نِي رِفَاكُلْ اَوْ نِي قِفَانُ مَلْ اَعْمَاجِ لَلْاِنِّ اِ مُمَّهَلْتُم

«Батаҳқиқ, сизларга Китобда: «Аллоҳнинг оятларини уларга куфр келтирилган ва уларни истехзо қилинган ҳолда эшитганингизда, бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан ўтирманглар», - деб нозил

қилди. Албатта, у ҳолда (агар ўтирсангиз,) сиз ҳам улар кабисиз. Албатта, Аллоҳ мунофиқ ва кофирларнинг ҳаммасини жаҳаннамда жамловчидир» (Нисо сураси, 140-оят)

Қурайш кофирлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва саҳобаи киромларни ёмонлаб қасидалар айтишарди. Бизга ўша қасидалар етиб келмаган. Чунки мусулмонлар (саҳобаи киромлар) у қасидаларни бир-бирларига етказишмаган ва умуман эътибор беришмаган. Натижада қасидалар йўқолиб кетган. Биз ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва Исломига нисбатан айтиладиган масхараомуз сўзлар тарқалишига ҳисса қўшиб қўймаслик учун (саҳобаларга ўхшаб) ўшандай сўзларга эътибор қилмаслигимиз керак.

Аллоҳ таоло севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, у кишининг аҳли байтларига, содиқ саҳобаларига чексиз салават, салом, баракот ва дурудлар юборсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади